

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ
РИВОЖЛАНИШИДАГИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ (1991-2021 ЙИЛЛАР)
Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ**

ўқитувчи

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасидаги сабъ-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилади.

Таянч сўзлар: ислохотлар, Бухоро, қишлоқ хўжалиги, ғалла, мева-сабзавот, туман, пахта, фермер хўжаликлари, АҚШ доллари, мустақиллик.

**ВНЕШНИЕ СВЯЗИ В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО
ХОЗЯЙСТВА БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ (1991-2021 ГГ.)**

Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ

Преподаватель

Педагогический институт Бухарского государственного университета
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье с первых дней независимости Республики Узбекистан развитие сельского хозяйства, обеспечение населения необходимыми продуктами питания было необходимой задачей. В основе этой стратегии лежала задача диверсификации сельского хозяйства, ликвидации монополии на хлопок, обеспечения населения нашей страны зерном и достижения в конечном итоге продовольственной независимости.

Ключевые слова: реформы, Бухара, сельское хозяйство, зерно, фрукты и овощи, район, хлопок, фермерской хозяйства, доллар США, независимость.

Маълумки, 1998 йилдан бошлаб, мамлакатимиз қишлоқларида институтционал ўзгаришлар босқичи бошланди. Ислохотлар бутун республикада, жумладан, Бухоро вилоятида ҳам бозор муносабатларининг жорий қилиниши ва хусусий мулк шаклини ривожлантиришга қаратилди.

Биринчи навбатда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун давлат томонидан қатта имкониятлар яратилди. Хусусан, хўжаликдаги экин майдонларини муқобиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахтанинг тезпишар серҳосил навларини яратиш, пахта навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроғи, иқлим шароити ва сув билан таъминланиш

даражасини ҳисобга олиб етиштиришга эътибор қаратилди. Фермер хўжаликларига ер майдони 50 йил муддатга ижарага берилганди [3]. Ўзбекистон олимлари томонидан мустақиллик йилларида юздан ортик ингичка ва ўрта толали “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “С-6524”, “Наманган-77”, каби серосил пахта навлари яратилди.

1990 йилда Бухоро вилоятида хорижий инвестициялар деярли мавжуд эмас эди, 2000 йилга келиб, инвестиция ва кредитлар улуши 23,2 фоизни, жумладан, ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8% фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш эса, 3,4 фоизни ташкил қилди. 1990 йилда қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларнинг 46 фоиздан ортиғи бюджет, бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа марказлашган манбалар маблағлари ҳисобидан молялаштирилган бўлса, 2011 йилда давлат томонидан ажратилган жами капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 13,5 фоизга тушган [6]. Бу жараёнда давлат бюджети ва боша марказлашган манбалар ҳисобидаи йўналтирилган умумий инвестициялар ҳажми 3,7 баробардан ортган.

Бухоро вилоят бирлашмасининг Гиждувон туманлараро агросавдо фирмаси мустақилликнинг дастлабги кунларидаёқ ташкил этилган. Бироқ 1991 йилнинг декабрь ойи охиригача фирма Гиждувон, Вобкент, Пешку, Шофиркон туманлари аҳолисига қарийиб (1991 йилги пул қийматида) уч юз минг сўмлик маҳсулот етказиб берганди, холос. Шунингдек, агросавдо корхонаси жамоаси Бухоро вилояти саноат марказидан Зарафшон ва Учқудук шаҳарлари кончилари ва қурувчиларига. РФнинг Пермь вилояти меҳнатчиларига ҳам кўплаб мева, сабзавот, узум масулотлари етказиб берди [8].

1991 йилнинг 25 октябрь куни вилоят халқ депутатлари Бухоро вилоят ҳокимлигининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда вилоят халқ депутатлари Ромитан туман деҳқон ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган амалий ёрдами ва уларни янада яхшилаш тадбирлари бўйича иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу йиғилишда Бухоро вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ

депутатлари Ромитан туман ҳокимлиги билан биргаликда туман деҳқон ва фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Шу сабабли, туман ҳудудида қишлоқ хўжалигида бошоқли маҳсулотлардан буғдой, арпа, тарик полиз масулотлари ва мева-сабзавотлар етарлича етиштирилган [5]. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида солиқ тизимига бир қатор ўзгартириш киритилганлиги, қўшимча қийматдан олинадиган солиқнинг камайтирилганлиги натижасида деҳқон ва фермер хўжалиklари 23 миллиард сўм фойда кўрдилар. Деҳқон ва фермер хўжалиklarига бир неча марта имтиёзли кредитлар берилганлиги сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаларининг аҳволи бирмунча яхшиланди [2].

Бухоро вилояти деҳқон ва фермер хўжалиklари 1991 йил давлатга 357 минг т пахта, 13 минг т дон, 97 минг т сабзавот, 33 минг т полиз маҳсулотлари, 12 минг т мева, 34 минг т узум, 19,5 минг т гўшт, 73 минг т сут ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни режалаштирганди.

1995 йили Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигига мослаштирилган корхоналар 387 тани ташкил қилган. Шу йилда қишлоқ хўжалик соҳасига оид вакиллардан, деҳқон хўжалиklarининг асосий кўрсаткичлари (1995 йил пул қийматида) 4,4 млрд сўмга етган. 1995 йили Бухоро вилоятида асосий чет эл капитали томонидан киритилган инвестициялар жами: 6,2 млрд сўмни ташкил этиб, шундан, 0,3 млрд сўми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига йўналтирилган.

1994 йилда вилоят ҳокимининг қарорига биноан тумандаги “Халқобод” жамоа хўжалиги дон уруғчилиги хўжалиги ҳисобланганди. Бу хўжаликда 330 гектарга “Интенсив” навли буғдой экиб, яхши парвариш қилинган, 1995 йилнинг май ойида дала апробацияси ўтказилиб, бегона ўтлардан тўлиқ тозаланган, чунки бегона ўт уруғлари дон уруғларига қўшилиб кетса, бошқа экин майдонларига ҳам ўтиб, кўпайиб кетмаслиги учун далаларни бегона ўтлардан тозалаб, уруғлик сифатини оширганлар. Халқобод хўжалигида режалаштирилган 32 центнер ўрнига ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил

олиш кутилган. Демак, 1200 тонна ўрнига 1350 тонна сифатли уруғ олиш мулжалланган. Лекин 1995 йил кузида Ромитан туман хўжаликларида экилиши керак бўлган 9050 гектар ерга кузги дон экинларини экиш учун 2500 тоннадан кам бўлмаган уруғлик керак бўлган. Шунинг учун бошқа хўжаликларда экилган "Санзар-4" ва "Санзар-3" навларидан ҳам уруғликни жамғариб куйиш режалаштирилган.

Бухоро вилоятида 2000-2003 йиллар оралиғида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 2000 йилда жами 106893,7 млн сўмни ташкил қилган бўлса, (2001 йил 164610,9), (2002 йил 246865,5), 2003 йилда бу кўрсаткич 323147,6 млн сўмни ташкил қилган. Шундан, 2003 йилда айнан қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 93272,7ни, фермер хўжаликлари 44501,3, деҳқон хўжаликлари улуши 185373,6 млн сўмни ҳосил қилган. Бухоро вилоятига 2002-2003 йиллар мобайнида вилоятга чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида хорижий инвестицияларни киритиш, мустақилликнинг дастлабги йилларига нисбатан бирмунча яхшиланган эди. 2002 йилда вилоятга киритилган жами инвестициялар 95510,3 млрд сўмни ташкил қилган. Агар киритилган чет эл сармоясини 100 фоиз деб оладиган бўлсак, шундан 10,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, қолганлари эса саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, коммунал қурилиш ва шунга ўхшаш бошқа соҳаларга сарфланган [10].

2002 йилда қишлоқ хўжалиги бўйичи қурилиш ишларига асосий киритилган капитал (2002 йил пул қийматида) 432,3 млн сўм бўлган. 2003-2004 йилларда Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар 2003 йилда 88215,7 млн сўмни ташкил қилган, 2004 йил эса бу 174674,3 млн сўмга етган. Шулардан, 2003 йилда қишлоқ хўжалигига 12,4 фоизи, 2004 йил эса шу соҳага 8,5 фоиз пул ажратилган. Асосий киритилган инвестицияларнинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 2003 йил 227, 2004 йил эса 295,9 млн сўмни ташкил қилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳаси йилдан-йилга ривожланиб борган. Бухоро вилояти мустақилликнинг дастлабги йилларидан бугунги кунга қадар

хориж мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, турли чет давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилган. 2000-2005 йилларда ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Орадан беш йил ўтгандан сўнг, яъни 2010 йилга келиб, Бухоро вилоятининг хориж давлатлари билан ҳамкорлиги натижасида вилоятга чет эл инвестициялари киритилиши анча ривожланди.

2010 йил ҳисоботи бўйича вилоятга киритилган инвестиция миқдори 2069,1 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йил 2761,4 млрд сўмга етган. Шундан, қишлоқ хўжалиги учун фоиз ҳисобида оладиган бўлсак, 2010 йил 0,2 фоиз, 2011 йил эса 3,4 фоизни ташкил этган. 2012-2013 йилга келиб вилоятга киритилган хорижий инвестициялар жами ҳисоб бўйича 2012 йилда 2277,7 млрд, 2013 йил эса 2871,6 млрд сўмни ташкил қилган. Кўрсатилган умумий суммани 100 фоиз деб оладиган бўлсак, 2012 йил қишлоқ хўжалигига ажратилган чет эл инвестициялари 3,1 фоизни, 2013 йилда эса 3,3 фоизни ташкил этган.

2012 йил январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 2137,9 млрд сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 1179,0 млрд. сўмни (2011 йилга нисбатан 105,7 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 958,9 млрд. сўмни (107,2 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 98,2 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжаликларининг улуши 69,8 фоизни ташкил этганди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) етиштиришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан амалга оширилиб, гўшт етиштириш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,6 фоизни, сут етиштиришда 95,7 фоизни, тухум етиштиришда 57,7 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 785,2 минг гектарни, фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 70763 кишини ташкил этган.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатида фермер хўжаликларида 51,2 минг бош қорамоллар, шу жумладан 16,2 минг бош сизир, 171,8 минг бош қўй ва эчкилар, 142,0 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2011 йил январь-декабрь ойига нисбатан қорамоллар сони 5,3 фоизга, шу жумладан сизирлар 4,5 фоизга, қўй ва эчкилар 4,9 фоизга, паррандалар ўтган йилга нисбатан 10,2 фоизга кўпайган [4].

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар асосида амалга оширилди. Шу боис, илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилди. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири республикамизнинг Бухоро вилоятида амалга ҳам оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 май ПҚ-2978- сон қарори [9], “2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрь ПҚ-3281-сон қарорига асосан Бухоро вилоятида 2018 йил ҳосили учун 3857 та фермер хўжаликларининг 14122 контурларидаги 63100 гектар майдонга кузги бошоқли дон экинлари экилиб, парвариш қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 10 июль ПҚ-3843-сон қарорига мувофиқ “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида замонавий иссиқхона қуриш учун жами 328 та лойиҳа ташаббускорларига қиймати 572,1 минг АҚШ долларилек, шундан 302,5 минг АҚШ доллари

банк кредити, 128,7 минг АҚШ доллари ўз маблағи [11] ва 140,9 минг АҚШ доллари хориж инвестицияси ҳисобидан 1183,8 гектар ер ажратилди, шундан: 2018 йилда 96 нафар ташаббускорга 359,4 гектар; 2019 йилда 81 нафар ташаббускорга 503,8, 2020 йилда 91 нафар ташаббускорга 320,6 гектар ер майдонлари ажратиб берилди [7].

362 гектар ер майдонида 162 та лойиҳалар ишга туширилган бўлиб, шундан 2020 йилга қадар умумий экилган ер майдони 296,5 гектарни ташкил этиб, шундан 179,2 гектар ер майдонида помидор, 10,3 гектарига бодринг, 7,0 гектарига болгар қалампери экилган. Қолган 65,5 гектар ер майдонидаги иссиқхоналарда бу маҳсулотлар 2020 йилнинг ноябр-декабр ойларида экилган. Бундан ташқари, 13 нафар тадбиркор томонидан жами 33,8 гектар ер майдонларига иссиқхоналар қуриш натижасида 1000 дан зиёд аҳоли иш билан таъминланган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасида хорижнинг ўнлаб давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларида иштирок этмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг услуб ва шакллари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бухоро – агро” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрь 803-сон қарори [//https://lex.uz/uz/docs/3967902](https://lex.uz/uz/docs/3967902).

2. Бухоро вилоят давлат архиви. 1459-фонд. Рўйхат-1. Сақлаш бирлиги-5.

3. Бухоро вилояти статистика бошқармаси. Бухоро вилояти статистика ахборотномаси (2007-2008). – Бухоро: Бухоро, 2009. – 151 б.

4. Бухоро вилояти статистика бошқармаси ахборотномаси (2014-2015 й). – Бухоро: Бухоро, 2016. – 148 б.

5. Бухоро вилояти Ромитан тумани ҳокимлиги жорий архиви. 1991 йил.

6. Бобоев С. Миллат ифтихори. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 191 б.

7. Нурмухаммадов Х.Х. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш босқичлари //Рақамли иқтисодиёт: Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти: халқаро илмий-амалий онлайн конф. – Тошкент, 2020. – Б. 980.

8. Мақсудов Т. Ғиждувон туман агросавдо фирмаси //Бухоро ҳақиқати, 1991 йил 24 октябрь. – № 205. (18, 236)

9. Шадиметов К. Ўзбекистонда биоэнергетиканинг инновацион ривожланиши. – Тошкент: Фан, 2020. – 36 б.

10. Ўзбекистон Республикаси давлат статистик қўмитаси. Бухоро вилояти йиллик статистик тўплами (1995-2010 й.) – Бухоро: Бухоро, 2011. – 195 с.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Бухоро вилоят филиали жорий архиви.